

АНЪАНАВИЙ СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИГА МАНСУБ БЎЛГАН СОВУҚ ҚУРОЛ ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ БОШҚА ЭКСПЕРТИЗАЛАРДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ, АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

Юлдошев Сухроб Ҳасан ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар
Вазирлиги Академияси 3-курс 325-гурӯх
курсанти сафдор

Annotatsiya: Бугунги кунда жиноятларни ўз вақтида, тўлиқ, иссиқ изидан очиш, жабрланувчини бузулган ҳуқуқларини тиклаш ва гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни просес вақтида ҳуқуқларини таъминлаш масалалари нафақат тергов жараёнларида балки барча ҳуқуқни муҳфаза қилувчи органларнинг фаолиятида асосий вазифасига айланиб бормоқда. Ушбу вазифани амалга оширишда бевосита эксперт криминалистика фаолиятида хизмат олиб бораётган ходимлар ҳам ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Ҳусусан ҳозирги кунда кенг оммалашиб бораётган совуқ қуроллар билан боғли пичоқбозликлар, тиф тадбирларининг кенг жорий этилаётганлиги йуқорида такидлаб ўтган совуқ қурол экспертизасининг нечоғлик бошқа экспертизалардан фарқли аҳамиятга эга эканлигидан далолат беришини кўришимиз мумкин бўлади. Аммо, бугунги кунда Суд-экспертизаларини ўтказишда ўчраётган турли хил просессуал хатолар, илмий асаслантирмасликлар, бошқача қилиб айтганда, юридик ва мазкур юналиш буйича илмий салоҳиятнинг етишмаслиги Совуқ қурол экспертизасини ўтказишдаги тадқиқотларни ҳам четлаб ўтмаган ва бу камчиликлар жиноят ишининг дастлабки тергов ва суриштирув босқичида Суд-экспертизаларини қушимча ёхуд қайта тайинланишига олиб келаётганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Шу боисдан Совуқ қурол экспертизаси кўп қўлланилишини инобатга олган ҳолда, унинг аслида нима эканлигини, ушбу экспертиза ўзига қандай объектларни қамраб олишини ва юзага келаётган муоммоларини қандай бартараф этиш усуллари мавжуд эканлигини билишимиз лозим бўлади.

Tayanch soʻzlar: Жиноят просессуал кодекси буйича экспертизада келтирилиши лозим бўлган маълумотлар, экспертизани ёзиш қодалари, протсессуал хатолар, қурол ва совуқ қурол тушунчалари.

Annotation: Today, solving crimes in a timely, complete, hot trace, restoring the violated rights of the victim, and ensuring the rights of the suspect, the accused and the defendants during the trial are becoming the main tasks not only in the investigative processes, but also in the activities of all law enforcement agencies. In the implementation of this task, the employees who directly provide services in the activity of expert forensics are making their contribution. We will be able to see that the widespread implementation of knife fights and blade events, which are becoming popular nowadays, shows how different the above-mentioned cold weapon expertise is from other expertises. However, various procedural errors, lack of scientific justification, which occur today in the conduct of Forensic expertise, in other words, the lack of scientific potential in this direction have not bypassed the researches in the

conduct of cold weapon expertise, and these shortcomings hinder Forensic expertise at the initial investigation and inquiry stage of a criminal case. we should mention that it leads to additional or re-appointment. Therefore, taking into account the wide use of cold weapon expertise, we need to know what it actually is, what objects this expertise covers, and how to overcome the problems that arise.

Key words: information to be provided during the examination in accordance with the Criminal Procedure Code; rules for writing an examination; procedural errors; lack of scientific knowledge and capacity; common mistakes.

Basic words: Information to be provided in the examination under the Code of Criminal Procedure, rules for writing the examination, procedural errors, concepts of weapons and cold weapons.

Асосий қисм.Қўрол тўғрисидаги қонунда қуйидаги мавзумизга доир айрим масалалар тушунчаларга тариф бериб

Фуқаровий қурол қуйидагиларга бўлинади:

1) ов қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол, шу жумладан сойли қисмининг узунлиги бир юз қирқ миллиметрдан ошмайдиган ўқотар қурол;

комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар қурол, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар қурол;

пневматик қурол;

тиғли совуқ қурол (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар);

2) спорт қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол;

тиғли совуқ қурол (рапиралар, шпагалар ва қиличлар);

улоқтириш қуроли (камонлар, арбалетлар ва найзалар);

пневматик қурол;

сигнал берувчи қурол;

3) ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли:

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли қурилмалар ва бошқа қурилмалар;

электрошок қурилмалари, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Фуқаровий ўқотар қурол қаторасига ўқ узишни истисно этиши ва ўқдон (барабан) сиғими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги керак.

7-модда. Хизмат қуроли

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни ва табиий ресурсларни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг (бундан буён матнда махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар деб юритилади) ходимлари томонидан, шунингдек давлат органларининг мансабдор

шахслари томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол хизмат қуроли жумласига киради.

Хизмат қуроли қаторасига ўқ узишни истисно этиши, ўқдон (барабан) сифими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги, калибри силлиқ стволли қурол учун йигирма беш миллиметрдан ва оғиз қисмидаги қувват уч юз эллик жоулгача бўлган сойли калта стволли қурол учун тўққиз миллиметрдан ошмаслиги керак.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ва хизмат қуролини сақлаш, олиб юриш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари мансабдор шахсларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Жанговар қурол

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари (бундан буён матнда махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар деб юритилади) қуроллантирилган ёки қуроллантиришга мўлжалланган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига киради.

Жанговар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар томонидан, шунингдек ушбу Қонун 12-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Жанговар қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомаласи тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қуролсозлик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, совуқ қурол деганда қиличлар, ханжар ва шпагалар, шунингдек найзалар, жанговар болта, сешохалар, кистен ва гурзилар, алебарда ва ҳоказолар тушунилган¹.

Умумий маънода, совуқ қурол деганда кўпинча тан жароҳатлари етказиш ёки одамни ўлдириш учун ишлатилган ва ўқотар қурол бўлмаган ҳар қандай буюм тушунилган. Ушбу тушунча жиноят қонунчилигига киритилган вақтдан бошлаб, айнан қандай буюмларни совуқ қурол дейиш мумкинлиги масаласи жуда долзарб аҳамият касб эта бошлади.

«Совуқ қурол» атамаси тузилиши, ташқи кўриниши ва ишлатиш усуллариغا кўра турлича бўлган буюмларни қамраб олади. Суд-тергов амалиётидан маълум бўлишича, бирор нарсанинг совуқ қуролларга тааллуқлилигини аниқлашда суриштирувчи, терговчи суд ёки экспертлар фақат дедуктив усул умумийдан хусусийга ўтиш усулидан фойдаланадилар, яъни аввал нарсанинг совуқ қуролларга тааллуқлилигини аниқлаб олиб, сўнг бу нарсанинг тури ва намунаси хусусида сўз юритадилар.

Совуқ қуроллар тушунчаси ва уларнинг таснифланиш тизими илк бора россиялик криминалист Н.И.Емельянов² томонидан таклиф қилинган. Ушбу олимнинг фикрлари кейинчалик бошқа криминалист олимлар Е.Н.Тихонов,

А.И.Устинов, А. С. Подшибякин ва В. М. Плескачевскийлар³ томонидан ривожлантирилган ва тўлдирилган¹. Жумладан, россиялик криминалист-олим А.И.Устиновнинг таъкидлашича, «...совуқ қурол умумий, абстракт тушунча бўлиб, унинг нима мақсадда қўлланишини акс эттиради»¹. Амалда эса аниқ, совуқ қурол йўқ, балки турлари мавжуд. Масалан, Маузер-98 винтовкасининг найзаси, кубачин кинжали, фин пичоғи кабилар. Бу нарсаларнинг ҳар бири, фақат ўзига хос тузилиш ва белгиларга эга.

, совуқ қуроллар куйидагича таснифланади.

1. Мўлжалланган мақсадига кўра:

а) жанговар-ҳарбий қуроллар. Бунга аҳолида сақланаётган қуроллар ва ички ишлар идоралари (полиция)нинг қуроллари киради;

б) ов қуроллари;

в) криминал қуроллар.

2. Тайёрлаш усулига кўра:

а) заводда тайёрланган;

б) усталар томонидан тайёрланган;

в) қўлбола усулда тайёрланган.

3. Тайёрланган жойига кўра:

а) юртимизда ишлаб чиқарилган қуроллар;

б) чет элларда ишлаб чиқарилган қуроллар.

4. Умумий тузилишига кўра:

а) стандарт, яъни бирор миллатнинг анъанавий қуроллари намуналари ва ҳарбий қўшинларда қабул қилинган тарихий нусхаларига мос келувчи қуроллар;

б) ностандарт, яъни тарихий нусхаларга мос келмайдиган, одатда жинойтчилар орасида фойдаланиладиган қуроллар;

в) типик бўлмаган қуроллар. Бундай қуроллар икки турга бўлинади: совуқ қуролнинг ҳамма хусусиятларига эга бўлган, лекин ҳеч қайси совуқ қурол турига ўхшаш бўлмаган қуроллар ҳамда улоқтирувчи қуроллар (масалан, ҳасса-қилич).

5. Шикастлашига кўра:

Чопувчи, кесувчи, санчувчи, чопувчи-санчувчи, чопувчи-кесувчи, кесувчи-санчувчи, чопувчи-кесувчи-санчувчи, урувчи-мажақловчи.

6. Тузилиши, ушлаш жойи, бошқариш ва ҳаракатлантириш усулларига кўра:

а) тиғли (шикастловчи қисми тиғли бўлган) қуроллар;

б) тиғсиз (урувчи-мажақловчи) қуроллар;

в) мураккаблаштирилган қуроллар (кастет-пичоқ, тиғли ва тиғсиз қуролларнинг бирикмалари);

г) улоқтирилувчи совуқ қуроллар киради.

Ушбу совуқ қуролларнинг ҳозирда замонавий курунишлари мавжуд бўлиб улар одамлар ҳаётига турли даражадаги ўзининг таъсирини кўрсатиб келмоқда. Совуқ қуролларга жисмоний ва механик куч таъсир этганда улар бошқа

шахсларга зарар етказиши мумкин бўлади. Унинг жавобгарлик масаласи ҳам Жиноят қонунчилигида тегишли тартибда белгилаб қўйилган.

Xulosa: Мен томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида шуни маълум қиламанки ушбу экспертиза ҳозирги кунда энг долзарб ва этиборга молик экспертизалардан бирига айланиб бормоқда. Шу орқали айтиб ўтишимиз ҳам лозимки унинг тадқиқотларига ҳам аълоҳида этибор берилмоқда. Яни тадқиқотлар асосланганлиги илмийлиги ва ҳуқуқийлиги масалаларини аниқ ҳал қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [https://lex.uz/Ўзбекистон ЖПК 173-187-moddalari](https://lex.uz/Ўзбекистон_ЖПК_173-187-moddalari);
2. Криминалистик экспертизалар дарслик / Тошкент 2020/ 22-78 бетлар;
3. Криминалистика(учебник) \ Москва 1999 г\ ст. 156-158;
4. [https://library-tsul.uz/ru/криминалистика дарслик-2018](https://library-tsul.uz/ru/криминалистика_дарслик-2018);
5. Криминалистик экспертизалар дарслик /Toshkent 2019/ Д.Б.Базарова, И.Р.Астанов
6. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Криминалистика>
7. [https://lex.uz/Қурол тўғрисидаги қонун//](https://lex.uz/Қурол_тўғрисидаги_қонун//)